O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 30 ноябрь, чоршанба • № 95 (11.794) • Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллиги олдидан

ҲУҚУҚИНГИЗ – ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Инсон ўз шахсий эҳтиёжи учун товар сотиб олишдан, муайян хизматлардан фойдаланишдан ва ишлар бажарилиши натижасидан манфаатдор экан, у истеъмолчи сифатида ўз ҳаётини гўёки «гаров»га қўяди. Чунки, нуқсонли, сифатсиз, фойдаланишга яроқсиз товар, иш, хизмат унинг ҳаётига, соғлигига жиддий зарар етказиши мумкин.

«Истеъмолчи ҳамиша ҳақ» тамойили, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига мувофиқ, ўз бузилган ҳуқуқини, манфаатини суд орқали тиклаш имконини беради. Ушбу моддага асосан ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат бош ислоҳотчи сифатида, аввало, инсон манфаатини биринчи ўринга қўяди. Инсон эса, жамиятда асосий фуқаролик муносабатларида истеъмолчи сифатида гавдаланади. Айнан шу ҳолат мамлакатимиз бош Қонунида ўз ифодасини топган.

Маълумки, истеъмолчи билан ишлаб чиқарувчи, сотувчи, ижрочи ўртасидаги муносабатлар қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари асосида ҳуқуқий тартибга солинади. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳам шу асосда ёндошилади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда устувор бўлиб, унинг 13-моддасига кўра, умуминсоний тамойилларга асосланади. Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қонун ҳужжатлари орасида марказий ўринлардан бирини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси эгаллайди. У, асосан, мулкий ва шахсий-номулкий муносабатларни тартибга солади.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан бири — истеъмолчи билан боғлиқ муносабатни тартибга солувчи «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ҳам Фуқаролик кодекси талабларига мос келиши талаб қилинади. Агар Фуқаролик кодекси ва бу қонунда бир-бирига мос келмайдиган, қарама-қарши меъёрлар мавжуд бўлса, амалиётда Фуқаролик кодекси устувор ҳисобланади.

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасидаги «истеъмолчи» тушунчасида товар, иш ёхуд хизматдан шахсий истеъмол ёки бошқа тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолда фойдаланувчи шахс истеъмолчи сифатида эътироф этилиши белгиланган. Товар, иш ёки хизмат эса, мулкий муносабат объекти сифатида фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Мазкур қонун талабларини бузганлик учун маъмурий ҳамда жиноий жавобгарлик белгиланган. У содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилиги даражасига боғлиқ бўлади. Унчалик катта бўлмаган ҳуқуқбузарлик маъмурий жавобгарликка, ижтимоий хавфли қилмишлар эса, жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Божхона қонунчилиги бевосита истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилмаган бўлса-да, мамлакатимизга товарларнинг пинҳона кириб келишини чеклаш орқали истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Тадбиркорлик, уй-жой билан боғлиқ, меҳнатни муҳофаза қилиш ва иш билан таъминлашга оид бир қатор қонун ҳужжатлари Олий Мажлис томонидан қабул қилинганки, улар ҳам истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин эгаллайди.

Қонунларни такомиллаштиришга ва унинг таъсир кучини оширишга қаратилган ўзгартиришлар, энг аввало, инсон манфаатларини кўзда тутиши, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилиши керак.

Истеъмолчи ҳамиша ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиши, ҳимоя қила олиши лозим. Бу борада уларга давлат органлари билан бирга истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари вилоят ҳудудий бирлашмаси, шаҳар ва туман жамиятларидан иборат жамоат тизими ҳам ёрдам кўрсатаяпти. Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш йўлидаги кенг кўламли тадбирларда уларнинг фаол иштирок этиши натижасида амалга оширилган ишлар самараси ҳам буни исботламоқда.

Вилоятда 21 та туман ва шаҳар жамиятлари, маҳаллаларда 857 та, уй-жой мулкдорлари ширкатларида 66 та ва бозорларда 16 та истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича таянч гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда. Ихтиёрий аъзо бўлганлар 30 минг нафардан ошиб, улар ушбу жамиятга ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қила оладиган ташкилот сифатида қарамоқдалар. Шу йилнинг октябрь ойига қадар вилоят бўйича оғзаки ва ёзма шикоят, аризалар билан 380 дан ортиқ истеъмолчи мурожаат қилгани ҳам бунга яққол мисол бўла олади.

Истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқлари тикланаётгани, айрим ҳолларда кўрилган моддий-маънавий зарарлар ундириб берилаётганлиги ташкилотга аҳолининг ишончини янада оширмоқда.

Тўғри, бугунги кунда истеъмолчиларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича муаммолар кўп. Лекин жамоатчилик назоратининг кучайиши туфайли улар ечимини топаверади. Бунинг учун ҳар бир сотувчи ва хизмат кўрсатувчи истеъмолчилар билан белгиланган қонун талаблари даражасида ҳисоблашиши шарт.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда истеъмолчи ҳуқуқлари қонун ҳимоясидадир. Асосий Қонунимиз уларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Камолжон ШОДИМЕТОВ,
Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари вилоят ҳудудий бирлашмаси раиси.

Сарҳисоб

ДАРОМАД САЛМОҚЛИ БЎЛДИ

Деҳқонлар ҳаётида куз сарҳисоб палласи, бошқача айтганда, ғалвирни сувдан кўтарадиган пайт ҳисобланади. Айни шу дамларда эришилган муваффақиятлар чамаланади, фойда-зиёнлар тақсимланади, камчиликлардан сабоқ чиқарилади, ниҳоят, келгуси режалар ҳақида ўйланади.



Тошкент туманидаги Муҳаммаджон Фозилов номли ширкат хўжалиги деҳқонлари учун якунланаётган йил ютуқларга бой бўлди. Белгиланган режалар уддаланиб, салмоқли даромадлар қўлга киритилди.

Хўжалик фаолиятига назар ташланса, бу ерда аграр соҳанинг икки тармоғи яхши ривожланганини кўриш мумкин. Яъни хўжалик узумчилик ва чорвачиликка ихтисослашиб, ҳар икки йўналишда ҳам муайян тажриба эгаллаб улгурган.

Бу йил жами 312 гектар токзордан 5536 тоннадан ошиқ ҳосил йиғиб олинди. Боғдорчилик илмини яхши эгаллаган 560 нафар пудратчилар зиммаларидаги режани ортиғи билан адо этиб, яхшигина даромад соҳиби бўлдилар. Хўжалик маҳсулот сотиш юзасидан «Меҳнат» агрофирмаси ҳамда «Матонат» масъулияти чекланган жамияти билан шартнома тузган. Унга кўра пудратчилар етиштирган шароббоп узумлар қайта ишлаш корхоналарига пешма-пеш етказиб берилди. Тармоқдан келган ялпи даромад салкам 300 миллион сўмга, соф фойда эса 130 миллион сўмга етди. Айни вақтда хўжаликда экинни совуқдан асраш мақсадида токларни кўмиш ишлари ниҳоясига етказилиб, қатор оралари юмшатилди. Даларга беш юз тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит чиқарилди.

Айни вақтда хўжалик қарамоғида 414 бош қорамол парваришланмоқда. Уларнинг асосий қисми соғин сигир ҳамда бўрдоқи новвослардир.

Йил бошидан бери харидорларга 24 тонна гўшт, 620 тоннадан ортиқ сут етказиб берилди. Хўжаликнинг ўзида бунёд этилган сутни қайта ишлаш цехи ҳам тўла қувват билан ишламоқда. Унда ишлаб чиқарилаётган сут маҳсулотлари туман ҳамда пойтахт аҳолисига етказиб берилмоқда. Келиб тушаётган даромад ҳам чакки эмас. Чорвачиликнинг ўзидан соф фойда 60 миллион сўмдан ошиши кутилмоқда.

Барқарор ривожланаётган бу тармоқда маҳаллий аҳолининг кўп қисми иш билан банд. Ҳозир ҳудуддаги элликка яқин аҳоли мол парвариши ҳамда қайта ишлов цехларидаги юмушлар билан шуғулланаётирлар.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: *бош ҳосилот Абдулла Ортиқов ҳамда пудратчи Ҳикматилла Аҳаджонов токзорлардаги сўнгги юмушлар билан банд; ферма мудири Саидмурод Абдураҳмонов ва зоомуҳандис Анвар Мамазиёдов қорамолларни кўздан кечирмоқдалар.*

Даврон АҲМАД олган суратлар.

БОЛАЛАР СПОРТИ ЭЪТИБОРДА

Халқ таълими вазирлигининг Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш, Иқтисодиёт, Молия, Ички ишлар вазирликлари, Ўрта махсус касб-ҳунар таълим маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси, Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси, Республика "Маҳалла" жамғармаси, Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши билан биргаликда қўшма ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Йиғилишда, Фан ва технологиялар маркази ва Спорт ютуқларини ривожлантириш маркази билан ҳамкорликда болалар спортининг назарияси ва методикасини чуқур ўрганиш борасида фундаментал ва мақсадли илмий изланишлар олиб бориш учун зарур шароит яратиш, илмий изланишлар асосида болалар ва ўсмирларнинг жисмоний тайёргарлигини аниқловчи "Кичкинтой", "Алпомиш" ва "Барчиной" комплекслари меъёрий талабларини кўриб чиқиш белгиланди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси 2005 йил 2 декабрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2005 йил 1 декабрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

Муносабат

МУАЛЛИМ МЕҲНАТИ ҚАДР ТОПМОҚДА

Эрта билан ишга отланиб, автобус бекатига бораётсам, бир гуруҳ ўқитувчилар рўпарамдан чиқиб қолишди.

— Қарорни ўқидингизми? — сўради Ҳаким Асатуллаев саломлашиб бўлганимиздан сўнг Эшонгузар шаҳарчасидаги 14-мактабда ишлаётган ёш ҳамкасбидан. — Қалай?

— Ўшанда маслаҳатингизга кўниб, мактабдан кетиб қолмаганимга шукр қилдим, — деди у кулимсираб. — Мана, қисқа муддатда соҳамиз ходимларининг меҳнат ҳақи иккинчи маротаба оширилянти. Ана энди узлуксиз ишлаб, ўз педагогик маҳоратини ошириб бораётган ўқитувчи борки, қадр топаяпти...

Бугун халқ таълими ходимларининг давраларида шу каби суҳбатлар бот-бот қулоққа чалинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори шундай суҳбатларга, катта-кичик йиғилишларда қизғин фикр олишувларга сабаб бўлмоқда. Ўқитувчилар, мактаб жамоаларининг барча ходимлари навбатдаги бу қарорни алоҳида қониқиш билан кутиб олишди. Бунинг боиси шундаки, мазкур қарорда ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштиришнинг бир қатор чоралари кўзда тутилган бўлиб, ўқитувчилар меҳнатини холисона баҳолаш ва рағбатлантиришда мактабларнинг мустақиллигини кенгайтириш белгиланган. Айни шу жиҳат ўқитувчиларда касбга садоқат ва ташаббускорликни кучайтириши аниқ. Янги йилдан бошлаб меҳнат ҳақининг оширилиши юзасидан белгиланган чоралар мажмуи умумтаълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш ва меҳнатига ҳақ тўлашнинг сифат жиҳатидан, мутлақо янги механизмини ўз ичига олади. Натижада, қарорда таъкидланганидек, педагогларнинг истеъдоди, касб маҳорати меҳнатга муносиб ҳақ тўлашнинг асосий, белгиловчи кўрсаткичига айланишига эришилади. Директор жамғармаси умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг негизини ташкил этади.

Бу қарор янгиланаётган жамиятимиз аъзоларининг катта бир қатлами — ўқитувчилар, педагогларнинг моддий турмуш шароитларини яхшилаш борасида янги босқични бошлаб беради. Айни шу жараён касбга садоқатни, таълим соҳасидаги меҳнат узлуксизлигини кучайтиради. Пировардида бундан бутун жамият, давлат катта амалий наф кўради. Зеро, давлатимиз раҳбарининг янги қарори болалар ва ўсмирлар тарбиясини яхшилаш учун мураббий ва устозларда рағбатни оширади. Улар ўз иқтидорлари, салоҳиятлари ва тажрибаларини маънавий-жисмоний баркамол инсонларнинг янги авлодини вояга етказишга тугал бағишлайдилар. Шу авлод вояга етиб, мустақил юрт юмушларини ўз зиммасига олади ва Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо этиб, уни янги, юксак довонларга кўтаради.

Жўрабек МУРОДОВ.

Деҳлида давра суҳбати

Деҳлида Шимолий ва Марказий Осиёдаги нефть ишлаб чиқарувчи ва истеъмол қилувчи асосий мамлакатлар вазирларининг давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Султонов раҳбарлигидаги делегация иштирок этди.

Деҳлида мазкур мавзуга бағишланган халқаро анжуман шу йилнинг ўзида иккинчи маротаба ўтказилди. Январь ойида бўлиб ўтган учрашувда Ғарбий ва Жанубий Осиё минтақасидаги нефть маҳсулотларини экспорт қилувчилар ва истеъмолчилар қатнашган эди. Бу сафар Ўзбекистон делегацияси билан бир қаторда Россия Федерацияси, Япония, Хитой, Корея Республикаси, Қозоғистон, Туркманистон, Озарбайжон ва Туркия вакиллари ўзаро ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилишди.

Маълумки, Ҳиндистон энергия истеъмоли бўйича жаҳонда олтинчи ўринда туради. Курраи замин аҳолисининг 15 фоизи истиқомат қиладиган ушбу мамлакатга дунё нефть ва нефть маҳсулотлари заҳирасининг бир фоизга яқини тўғри келади, холос.

Ҳиндистон нефть ва табиий газ вазири Мани Шанкар Айар анжуманни очар экан, энергия ресурслари борасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтариш унинг мамлакати учун бениҳоя долзарб эканини таъкидлади.

Диққатга сазовор жиҳати шундаки, давра суҳбатида Ўзбекистон Республикасининг нефть ва газ тармоғидаги ҳамкорлик имкониятлари тўғрисидаги тақдимот тадбир иштирокчиларида алоҳида қизиқиш уйғотди. Тақдимот чоғида қатнашчиларга мустақиллик йиллари давомида мамлакатимиз нефть ва газ тармоғида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар, барпо этилган янги корхоналар, хорижлик сармоядорлар учун яратилган катта ва қулай имкониятлар ҳақида батафсил маълумот берилади.

Давра суҳбати якунида "Ўзбекнефтгаз" компанияси ва Ҳиндистон газ бошқаруви компанияси (GAIL) ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Улар якунига кўра, томонлар Тошкентда ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум имзолашга келишиб олдилар.

«Жаҳон» АА.

Обуна – 2006

ГАЗЕТХОН НИМА ДЕЙДИ?

Очиғини айтганда, у ёки бу газетанинг нуфузини, муштарийлар томонидан қай даражада севиб ўқилишини белгилайдиган асосий омил обуначиларнинг кўп-озлигидир. Шунингдек, тахририятга келадиган хатлар оқими ва уларнинг мазмун-моҳияти ҳам маълум маънода газетанинг мавқеини белгилаши мумкин.

Бугун «Тошкент ҳақиқати»га хатлар оқими қандай? Қайси туман ва шаҳарлардан мактублар кўпроқ келмоқда?

Айтиш мумкинки, газета чиқишларига муносабат, миннатдорчилик руҳидаги, турли мавзулар хусусидаги таклиф-мулоҳаза тарзидаги мактублар деярли барча ҳудудлардан келиб туради. Шунингдек, улар орасида шикоятлар ҳам талайгина. Уларнинг аксарияти тегишли ташкилотларга чора кўриш учун жўнатилса, айримлари бевосита жойига бориб ўрганилмоқда, натижалари эса газета саҳифаларида эълон қилиб борилаяпти.

Шу ўринда бир мулоҳаза туғилади. Хўш, жойларда газетага нисбатан шундай ишонч шаклланган экан, нима учун айнан кўплаб шикоят келаётган шаҳар ва туманларда обуначилар жуда кам? Вилоятнинг энг ўирик аҳоли пунктларининг баъзиларида уларнинг сони бармоқ билан санарли эканлигини қандай изоҳлаш мумкин? Узоқ-яқин қишлоқ ва овуллар, шаҳарча ҳамда маҳаллаларга сафарларимиз давомида аҳолининг фикрини ўрганишга, уларнинг газетага муносабатини аниқлашга ҳаракат қилдик.

— Бизнинг ҳам газетада берилаётган ижтимоий-сиёсий мавзудаги мақолаларни кузатиб боргимиз келади, — дейди оққўрғонлик Воҳиджон Умаров. — Бироқ, газетага обуна бўлсангиз, ўз вақтида етиб келмайди. Келса ҳам кечикиб, 3-4 сонини битта қилиб олиб келишади. Эскирган газета мутолаасидан нима маъно топасиз?

— Бугунга келиб газеталарнинг обуна нархи жуда кўтарилиб кетди, — дейди янгийўллик Карима Усмонова. — Уларга обуна бўлишга ҳар кимнинг ҳам ҳамёни чидайвермайди...

Шу ўринда айтиш керакки, обуна нархининг фақат 60 фоизигина газетанинг даромадлар заҳирасига келиб тушади. Қолган устама нархлар эса, матбуот тарқатувчи ташкилотлар ва почта хизматлари ҳисобига тўғри келади.

— Ёшлар ҳаётига оид мавзуларда чиқишларнинг кўпроқ бўлишини истардим, — дейди ўртачирчиқлик йигит Ҳамидулла Шодиев. — Таҳририятдагилар шу масалалар ҳақида ўйлаб кўришса, фойдадан ҳоли бўлмасди.

Тўғри, билдирилган фикрларни маълум маънода қўллаш мумкин. Масалан, юқорида айтилганидек, газета ва журналларнинг жойига вақтида етиб бормаслиги, обуна нархининг йил сайин ошиб бориши каби масалаларни биз таҳририят ходимлари ҳамда матбуот тарқатиш ва почта хизмати учун масъул ташкилотлар чуқурроқ ўйлаб кўриб, тегишли чора-тадбирлар белгилашимиз мақсадга мувофиқ, албатта. Янги рукн ва мавзулар ҳақида ҳам изланишларимиз давом этиши табиий.

Яна бир мулоҳаза. Айрим юртдошларимиз, айниқса, ёшлар ижтимоий-сиёсий газеталарни ҳам қизиқиб ўқиладиган олди-қочди, енгил-елпи мақолалар билан бойитиш лозимлигини айтишади. Бироқ бундай турдаги матбуот нашрлари ҳозир ҳам оз эмас. Бизнингча, ёшлар тарбияси, дунёқараши, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ўзгариш ва янгиланишларга муносабати, ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топиши каби муҳим масалаларга доимо жиддий ва масъулият билан ёндошган маъқул.

Ҳар ҳолда жамиятдаги воқеа-ҳодисалардан бохабар бўлиш ва фаол яшашда матбуотнинг таъсир кучи беқиёс эканлигини унутмаслик лозим.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ.

2006 йил учун обуна давом этмоқда

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – **205.**

«ТошГРЭСқурилиш»:

СИФАТЛИ ВА ТЕЗКОР

Вилоятимизнинг турли ҳудудларида қад ростлаётган замонавий, кўркам иншоотлар ҳеч шубҳасиз, шаҳар ва қишлоқларимизнинг файзига файз қўшмоқда. Бунда вилоятимиздаги бир қатор йирик қурилиш ташкилотларининг муносиб хизматлари бор. Қибрайдаги «ТошГРЭСқурилиш» корхонаси ана шундай катта имконият ва салоҳиятга эга жамоалардан ҳисобланади.

Салорлик бунёдкорлар қайси объект қурилишини зиммаларига олишмасин, ўз ишларига катта масъулият билан ёндошадилар. Таъбир жоиз бўлса, улар қурилиш муддатини ҳам, сифатини ҳам ўрнига қўядилар. Вилоятимизнинг қатор шаҳар ва туманларида ва пойтахтимизда барпо этилган кўплаб иншоотлар фикримиз далилидир. Айни вақтда тиниб-тинчимас бунёдкорлар «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясининг олтмиш ўринга мўлжалланган даволаш масканини фойдаланишга топшириш арафасидалар.

СУРАТЛАРДА: *қурилиши ниҳояланаётган бежирим бинонинг кўриниши; моҳир пайвандчи Дониёр Юнусов, монтажчи Икром Кенжаев ҳамда дурадгор Раҳмат Саидаҳмедов ўз фаолиятларидан мамнун.*

Фазлиддин АБДУРАСУЛОВ олган суратлар.

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

МУҲИМИ — КАСАЛЛИКНИ ВАҚТИДА АНИҚЛАШ

— дейди вилоят ўсма касалликлар диспансери бош шифокори Абдулла Абдиҳакимов

... Шифокор қабулига етмишни қоралаб қолган бир отахон келди. Тўғрироғи, бу гал уни ўзлари чақиртиришган. Кўринишдан тетик, беморга ўхшайди у. Янгийўл тумани «Тинчлик» ширкат хўжалигида яшовчи Турсунбой ота Норхўжаев бу ерга тез-тез келиб турадилар. Диспансер ходимлари ҳақида гапирганларида тилларидан бол томади:

— Касаллигим аввал оддий йўталдан бошланган эди. Кейинчалик йўталганда қон тупурадиган бўлдим. Туман шифохонасига бордим. Текширишди, рентген ҳам қилишди. Ўпка шамоллашига қарши бир неча марта муолажа олдим. Фойдаси бўлмади. Юқумли касалликка чалинган бўлмай, деб қўрқдим. Ниҳоят, шу диспансерга мурожаат қилдим. Қўли енгил шифокор Абдуллажон жарроҳлик ўтказди. Ўшандан буён Худога шукр, кўрмагандай бўлиб кетдим. Уни ўғлим деганман. Мана, кузатиб туришимиз керак, дея вақти-вақти билан қўшимча даволаб туришади.

— Отамиз ҳали жуда бақувватлар, — дейди А. Абдиҳакимов. — Ўпкада шиш бўлган. Операция йўли билан чап ўпкани олиб ташладик. Тўғриси, бунга қарор қилгунча анча бош қотирдик. Ахир, бемор икки марта инфаркт бўлган, юрак заиф, бунинг устига ёшлари ҳам... Бундай касалликни эса фақат жарроҳлик усули билан даволаш мумкин. Охири, муассасамизда биринчи марта шу турдаги жарроҳликни амалга оширдик. Айни вақтда махсус химиотерапия қўлланилаяпти.

Зангиотакинг Абдулла Абдиҳакимов педиатрия институтини битиргач, икки йил шу ерда дарс берди. Табиатан илмга қизиқиши кучли бўлгани боис Москвага бориб, аспирантурада ўқиди. Сўнг Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг жарроҳлик кафедрасида ассистент, доцент вазифаларида фаолият юритди. Айни вақтда 3 та илмий ихтироси, 80 дан ортиқ илмий ишлари эълон қилинган. Унинг 2004 йили Москвада «Ошқозон саратонининг маҳаллий тарқоқ турларини жарроҳлик усулида даволаш» мавзуида ёқлаган докторлик иши йилнинг энг яхши диссертацияси деб тан олинган. Қирқ ёшида тиббиёт фанлари доктори даражасига эришиш осон бўлмади, албатта. Илм йўлидаги заҳмат, тинимсиз изланишлар маҳсули бу.

— Ҳозир ҳам Н. Н. Блохин номли Россия онкология илмий маркази билан ҳамкорликда ишлаяпмиз, — дейди бош шифокор. — Ўтган ҳафтада у ердан келган икки профессор ноёб жарроҳлик амалиётини ўтказишди ва диспансеримизда бу усул йўлга қўйилди, керакли асбоб-ускуналар, жиҳозлар ҳам бор. Умуман олганда, замонавий тиббиёт фани мислсиз ютуқларга эришди. Масалан, яқин-яқингача ўсма касалликларни даволаб бўлмайди, деб ҳисобланарди. Бугун эса оғир дарддан халос бўлиб, бутунлай соғайиб кетаётганлар кўп. Муҳими, уни иложи борича барвақт аниқлашда. Бунда жойлардаги ҳамшираларнинг алоҳида ўрни бор.

Аслида диспансерга ташрифимизнинг сабаби ҳам А. Абдиҳакимов ташаббуси билан «Ўрта тиббиёт ходимлари учун онкология» мавзуида ўтказилаётган уч кунлик семинар жараёни билан танишиш эди. Унда вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларидан онкокабинетлар, қишлоқ врачлик ва акушерлик пунктлари, кўрик хоналарининг жами 100 дан ортиқ ҳамширалари иштирок этишди. Семинар якунида қатнашчиларга сертификат берилди.

Диспансер бош ҳамшираси Шоира Гиёсованинг айтишича, семинарда гинекологик касалликлар, жумладан, пайдо бўлаётган хавфли шиш (ўсма)ларни аниқлашда тўғри ташхис қўйиш ва лаборатория таҳлили, цитологик тадқиқот учун анализ олиш услублари, нур билан даволаш каби қатор масалалар кўриб чиқилди. Шуниси аҳамиятлики, малакали мутахассисларнинг чиқишларидан ташқари, бу ерда олинган билимлар бевосита амалий машғулотлар давомида мустаҳкамланди.

Семинар иштирокчиси, Тошкент тумани марказий поликлиникаси акушери Дилфуза Азизова шундай дейди:

— Кейинги вақтда ўсма касалликлар хотин-қизлар, ёшлар ўртасида ҳам учраяпти. Уларни кўрик пайтидаёқ аниқлашда патронаж ҳамширасининг масъулияти юқори. Биз уйма-уй юриб, аёллар орасида мунтазам тушунтириш ишлари олиб борамиз. Семинарда эса ўзимиз учун фойдали жуда кўп нарсаларни ўргандик, замонавий услублар билан танишдик. Энди уларни амалда қўллай оламиз.

Машкура ЗОҲИДОВА.

Фармон ва ижро

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

«ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ» — БОЛАКАЙЛАР ШОДИЁНАСИ

Мамлакатимизда "Президент арчаси" тадбирлари ўзига хос хайрли анъанага, болакайларнинг севимли шодиёнасига айланган. Бу давлатимиз раҳбарининг ҳар бир ўғил-қиз ўз Ватанида ҳур-озод яшаётганлигини ҳис этиши йўлида нимаики зарур бўлса, муҳайё этишга алоҳида эътибор қаратаётганининг яна бир далолатидир.

Ўтган даврда "Сен ёлғиз эмассан", "Маҳалла" жамғармалари ва мамлакатимиздаги бошқа қатор ташкилот ҳамда идораларда мазкур тадбирни кўнгилдагидек ўтказиш борасида салмоқли тажриба тўпланди. Бу йилги "Президент арчаси"нинг асосий тадбирлари 2005 йилнинг декабрь, 2006 йилнинг январь ойларида пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар марказларида ўтказилиши режалаштирилган.

Вазирлар Маҳкамасида "Президент арчаси" тадбирларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга бағишланган йиғилишда мутасадди вазирлик ва идоралар зиммасига бу йилги байрам тадбирини юксак савияда, сермазмун ташкил этиш билан боғлиқ вазифалар юклатилган эди.

Халқ таълими вазирлиги Матбуот хизматидан маълум қилишларича, вазирликнинг кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида мазкур вазифалар ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган тайёргарлик ишларининг аҳволи кўриб чиқилган. Ҳар галгидан фарқли равишда, ушбу байрам тантаналарига янада кўпроқ болани жалб этиш, шодиёналарга кичкинтойларнинг бир умр ёдида қоладиган даражада мазмун бағишлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бу эса ўз ўрнида жиддий тайёргарликни, масъулиятни талаб этади.

Шу боис байрам тантанасини кўнгилдагидек ўтказиш билан боғлиқ барча масалалар атрофлича муҳокама қилиниб, жойларда жамоат тартибини сақлаш, йўл транспорт ва ёнғин хавфсизлиги чораларини кўриш, "Президент арчаси", Янги йил байрами дастурларининг сценарийларини, бадиий қисмини тайёрлаш, тиббий навбатчилик ташкил этиш каби вазифалардан иборат тадбирлар режаси тузилди.

Зеро, болажонларимизга олам-олам қувонч улашадиган, уларда келажакка ишонч, Ватанга, эл-юртга садоқат туйғуларини тарбиялайдиган бундай тадбирни муваффақиятли ўтказиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

ЎзА.

АЁЛ ИШ БИЛАН БАНД БЎЛМАСА, ИЖТИМОИЙ ЖИҲАТДАН ФАОЛ БЎЛА ОЛМАЙДИ...

Оилада маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялаш, уни диний экстремизм ва ақидапарастлик мафкураси таъсиридан, гиёҳвандлик ва бошқа иллатлардан ҳимоя қилишда энг аввало, аёл — оналарнинг ўрни беқиёс. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида айнан мана шу мақсад кўзда тутилган. Вазирлар Маҳкамасининг ушбу фармон ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш жараёнида хотин-қизларни иш билан таъминлашга ҳар томонлама кўмаклашиш, аёллар тадбиркорлигининг турли шаклларини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юқоричирчиқ туманига бўлган ташрифимиз чоғида ана шу соҳадаги ишларнинг бориши билан танишдик.

— Туманда дастурда белгиланган тадбирлар муайян даражада бажариляпти. Иш сўраб мурожаат қилган 695 нафар аёлдан 452 киши ишга жойлаштирилди, — дейди аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза бўлими шўъба мудири Султонпошша Худойберганова. — Қолганларга эса вақтинчалик ишсизлик нафақаси тайинланган. Мана бу рўйхатда кўрсатилган 20 нафар аёлларимиз эса октябрь ойида ишга жойлаштирилган. Уларнинг аксарияти туман марказий касалхонасида доя, ҳамшира ва бошқа вазифаларда ишлашмоқда.

— ТАДБИРКОР БЎЛАМАН ДЕГАН АЁЛЛАР КЎП,

— бизни шу сўзлар билан кутиб олди «Тадбиркор аёл» уюшмаси раиси Фариза Шокаримова. — Лекин аёллар ўртасида тадбиркорлик ҳаракатини йўлга қўйишнинг ўзига яраша муаммолари бор. Бизнинг «Тахмина» хусусий корхонамизда йигирма киши иш билан банд. Бу ерда тикув цехи, сартарошхона, этикдўзлик, компьютер, ксерокопия бўлимлари ишлаб турибди. Шунингдек, турли касбга йўналтирилган ўқув курсларини ҳам ташкил этганмиз. Уларда ўқиш айрим кам таъминланган оилаларнинг қизлари учун бепул. Ҳозир бизда ўқиган қизлар, аёлларнинг ўзлари алоҳида тикув цехлари очишган. Улар ҳам кўпларни бепул ўқитиб, тикувчиликка ўргатишяпти. Лекин, юқорида айтиб ўтганимдек, тадбиркорликни орзу қилганлар олдида энг аввал маблағ муаммоси кўндаланг туради. Кредит олиш жуда қийин. Чунки, кредит эвазига қўйиладиган мулк — уй-жой, бино кредит берувчилар талабига жавоб бермайди. Улар айтган автомашина, олтин-зар эса, ўзингизга маълум, ҳаммада ҳам бўлавермайди. Ундан ташқари коммунал хизмат тўловлари, солиқ тизими талаблари дегандек. Илтимос, буни шиқоят маъносида тушунманг. Фақат воқеликка холис баҳо бериш маъносида айтяпман бу гапларни.

Дарҳақиқат, «ранг кўр, ҳол сўр» деганларидек, таъмирталаб сартарошхона, тикув цехлари ва бошқаларни кўриб, тадбиркор бўлиш машаққатлари ҳақида ўйланмай илож йўқ. Лекин тумандаги оилавий тадбиркорлик, уйда шартнома асосида иш бажариш, кичик корхона ва микрофирмалар ҳисобига яратилган ва яратилаётган иш жойлари кўнгилга таскин беради. Бу борада хусусий тадбиркор Эркинисо Элбоеванинг паррандачилик, тикувчилик билан шуғулланаётган саккиз нафар аёлни иш билан таъминлаб, шунга яраша даромад олаётганини айтиб ўтиш жоиз. Тадбиркор аёлнинг 2 мингта товуғидан 500 таси гўшт учун, 500 таси тухум учун боқилади. У кишининг ишбилармонлиги ҳақида кўплар фахр билан сўзлашади.

«ДОНГ-САН» БАНКРОТ БЎЛГАЧ

Хотин-қизларни иш билан таъминлашдек долзарб масала мутасаддилар олдида кўндаланг бўлиб турган бир пайтда Янгибозор шаҳарчасида кореялик ишбилармон тадбиркорлар ташаббуси билан «Донг-сан» қўшма корхонаси иш бошлаганида, очиғи, аёллар жуда хурсанд бўлишган, 650 нафар аёл катта умид билан корхонага ишга кирган эди. Аммо, икки йил ўтар-ўтмай, корхона ишидан одамларнинг кўнгли совий бошлади. Аста-секин кўпчилик ишдан бўшаб, «Донг-сан» инқирозга юз тутди.

— Ишлайман, деган одамга қишлоқларимизда ҳам иш етарли, — дейди Бордонкўл қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Қайтмас маҳалласининг маслаҳатчиси Лайло Айдархонова. — Бизнинг маҳалламиз аҳолиси бу борада бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатилса арзийди. Лайлонинг таклифи билан хонадонларни айланиб чиқдик. Ҳақиқатан ҳам кўчада бекор юрган бирорта одамни учратмадик. Дастлаб, Намозбоевлар хонадонига кириб, оила аъзолари, ўғиллар, келинларни иш устида учратдик. Узун ҳовли, қатор солинган уйларда тўрт ўғил, уч келин аҳил-иноқ яшар эканлар. Қайнона Малика опа эса уларга бош-қош, қамишни қайта ишлаш, бўйра, чий тўқиш сларини ўргатар, келинлар ҳам уни маҳалладаги бошқа хонадон келинларига ўргатишар, улар ўз навбатида меҳнат ҳақлари эвазига ҳар куни 5-6 тадан бўйра тўқишади.

Хуллас, Юқоричирчиқ туманида хотин-қизларни иш билан таъминлаш борасида изланишлар давом этмоқда. Янги-янги тижорат-ишлаб чиқариш корхоналари, фирмалар ташкил этилаётганлиги бунинг далилидир.

Сайёра РИХСИЕВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

1 декабрь — Жаҳон ОИТСга қарши кураш куни

АСР ВАБОСИ

Инсон саломатлигининг кушандаси кўп. Бундай касалликларнинг кўзғатувчиларидан бири — ОИТС вируси тарқалиш тезлиги билан ажралиб туради. Чунончи, бу касалликка бир кунда 1995 йили — 5, 1996 йили — 8,5, 1997 йили — 16, 2003 йили — 18,5 минг киши чалинганлиги кузатилди. Ҳозир 40 миллионга яқин одам ўз танасида ОИТС вируси билан яшаяпти. Бу касалликка чалинганларнинг ҳар йигирманчиси болалар эканлиги, айниқса, ташвишланарлидир.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ўтган йили 3,1 миллион киши ОИТС касаллигидан вафот этган.

Курраи заминнинг бир қатор мамлакатларида эпидемиологик вазият тобора оғирлашиб бораётир. Бу касаллик гиёҳвандлик моддаларини қон томири орқали қабул қилувчи ёшлар орасида кўплаб қайд қилинмоқда. Агар дунёнинг 121 мамлакатида гиёҳвандлик авж олганлиги, 81 мамлакатда эса, гиёҳвандлик ОИТС касаллиги билан чамбарчас боғланиб кетганлиги эътиборга олинса, аср вабосининг тарқалиш кўлами қанчалик хатарли тус олаётганлиги янада ойдинлашади.

Украинада ҳар ўн гиёҳванддан саккиз киши гиёҳванд моддаларни қон томирлари орқали истеъмол қилади. Шуларнинг 30 мингдан кўпроғи ОИТС вирусини юқтириб олишган. Ҳозирги пайтда гиёҳвандлик ўқувчилар орасида тобора кенгроқ тарқалиб бораётир. Айрим мамлакатларда гиёҳвандларнинг 80 фоиздан кўпроғи бу касалликка чалинган.

Ўзбекистонда ҳам гиёҳванддлар кўпайиб бораяпти, уларнинг бир қисми ОИТС касаллиги вирусини юқтирган. Натижада бизнинг мамлакатимизда ҳам эпидемиологик вазият кескинлашиб бориши кутилаётгани сир эмас.

Суюқоёқ аёллар, тасодифий жинсий алоқага мойил одамлар ОИТС вирусини тарқатувчи «хавфли кишилар» тоифасига киради. Бундай шахслар ички ишлар идоралари ва ОИТС марказлари назорати остига олиниши табиий ҳол, албатта.

Бу йил ОИТСга қарши кураш халқаро куни «ОИТСни тўхтатинг, ваъдани бажаринг»шиори остида ўтказилмоқда. Мутахассислар билан учрашувлар, аср вабосига бағишланган суҳбатлар ташкил этилаётир.

ОИТС хасталигининг олдини олиш мумкин. Унга чалинмаслик ўз қўлимизда. Бунинг учун огоҳлик ва эҳтиёткорлик, шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш кифоя.

Бахтиёр РАСУЛОВ, вилоят ОИТС маркази шифокори, тиббиёт фанлари номзоди.

Осиё Тараққиёт банки (ОТБ) келгуси уч йил мобайнида Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида ажратаётган кўмак миқдорини кўпайтириш ниятида. Жорий йилнинг ноябрида ОТБ директорлар кенгаши томонидан маъқулланган Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик (МОМИҲ) дастурининг янгиланган стратегияси учун 952 миллион долларга тенг лойиҳалар таклиф қилинди.

ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ КЎМАГИ

МОМИҲ 2006-2008 йилларда ҳам ўз фаолиятини аввалгидагидек транспорт, энергетика ва савдо соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишга қаратади. Янгиланган дастурнинг умумий ҳажми 943 миллион долларга тенг 16 та йирик лойиҳа ҳамда 9 миллион доллар миқдоридаги 13 та техник кўмак лойиҳасини ўз ичига олади. Мазкур лойиҳалар асосан ОТБнинг давлатлар лойиҳалари доирасида режалаштирилган бўлиб, ОТБнинг Осиё тараққиёт фонди ҳисобидан қўшимча молиялаштириш кутилмоқда.

2006-2008 йилларга режалаштирилган транспорт секторига оид лойиҳаларда Ўзбекистондаги минтақавий аҳамиятга эга бўлган темир йўлларни таъмирлаш ва Озарбайжон жанубий йўлагининг ҳолатини яхшилаш, Мўғулистон ғарбий минтақавий йўлагини ривожлантириш ва Душанбедан то Қирғизистон чегарасигача бўлган йўлни реконструкция қилиш каби вазифалар назарда тутилган.

«Туркистон-пресс».

РАВОН ЙЎЛЛАР ҚУРИБ...

Юртимизда автомобиль йўллари тармоғини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, «Қамчиқ» довонида туннеллар қурилиши, янги автомобиль йўлларини барпо этиш ва реконструкция қилиш натижасида Шарқ-Ғарб, Жануб-Шимол йўналишлари бўйича мамлакатимизнинг барча ҳудудларини транспорт йўллари билан ўзаро боғлашга эришилди. Бу эса, ўз навбатида республикамизнинг вилоят ва туманлари иқтисодиётини ривожлантириш учун янги имкониятлар очиб беради. Бу ишларда «Ўзавтойўл» давлат акционерлик компанияси тасарруфида фаолият юритаётган Янгиобод йўллардан мунтазам фойдаланиш бошқармаси йўлчиларининг ҳам улушлари бор.

Республиканинг учта вилоятини марказ билан боғлаб турувчи Тошкент-Ўш халқаро йўлининг 108-214-километрларини жаҳон андозалари асосида реконструкция қилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш бевосита шу бошқарма фаолиятининг асоси ҳисобланади.

— Қиш мавсумида А-373 автомобиль йўлининг ишончли фаолият кўрсатишини таъминловчи муҳандислик техникаси билан таъминлаш бўйича бир қатор ишларни амалга оширдик, — дейди корхона бошқарувчиси Неъматилла Нишонбоев. — Жумладан, бу йўлнинг «Қамчиқ» довони қисмини қишга тайёрлаш учун 7 та автогрейдер, булдозер, экскаватор, юклагич, автокран ҳамда 5 та авто-юктуширгич жалб этилди. Шунингдек, Фарғона, Наманган, «Қамчиқ», Ангрен йўл бошқармалари ҳам мавсумга тайёргарликда ўз ишчи кучи ва техника воситалари билан фаол қатнашмоқда.

Бундан ташқари, йўлнинг мавжуд қисмида қиш мавсуми давомида табиий фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини кечиктирмай тугатиш учун йўл хўжалиги ташкилотларидан 50 дан зиёд қўшимча машина-механизмлар жалб этилди. Улар орасида Япония ҳукумати томонидан «Қамчиқ» довонига грант асосида ажратилган «Комотцу» булдозери ва автогрейдерлари, «Хитачи» экскаваторлари, «КАТО» автокранлари, «Ниссан» ва бошқа машина-механизмлар бор.

Айни кунларда бошқарма давлат аҳамиятидаги «Тошғузор-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўл қурилишида ҳам иштирок этмоқда. Шу йилнинг биринчи ноябри ҳолатига кўра бу ерда бошқарма томонидан 2 миллиард сўмликдан зиёд иш бажарилди. Бундан ташқари, Олмаота-Тошкент-Термиз автойўлининг 1283-1315-километрларида йўл қурилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда «Тошкент-Андижон-Ўш» автомобиль йўлида 2006 йилга режалаштирилган янги вазифаларни бажариш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: *халқаро йўлнинг «Қамчиқ» довони қисмида бошқарма томонидан амалга оширилаётган ишлардан лавҳалар.*

Муаллиф олган суратлар.



ТОЗА СУВ – ҲАЁТ МАНБАИ

"Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастурида аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлашга оид ишларни кучайтириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ёшларнинг экологик маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Бу борада жойларда турли тадбирлар, учрашув ва кўрик-танловлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. "Экосан" халқаро хайрия жамғармаси Тошкент енгил саноат ва тўқимачилик институти билан ҳамкорликда ўтказган "Тоза сув – ҳаёт манбаи" мавзуидаги иншолар танлови ана шундай тадбирлар сирасидан бўлди.

Институт талабалари Муҳиддин Ҳакимов – биринчи, Манзура Ўрозбоева ҳамда Темур Толибжонов – иккинчи, Наталья Собитова учинчи ўринга лойиқ топилди.

ЎзА.

АЎСП ДИРЕКТОРЛАР КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

Вашингтонда Америка – Ўзбекистон савдо палатаси (АЎСП) Директорлар кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонасидан маълум қилинишича, мазкур мажлисда палатанинг ўтган давр мобайнидаги фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисобот тингланди, икки томонлама сармоявий ҳамкорликни янада фаоллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуи кўриб чиқилди ҳамда 2006 йилнинг бюджети тасдиқланди.

Директорлар кенгаши аъзолари жорий йилнинг тўққиз ойи давомида республикадаги иқтисодий ўсишнинг натижалари тўғрисида ҳамда икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг ҳолатидан хабардор этилди. Раҳбарият Ўзбекистон ҳукуматининг иқтисодиётни янада эркинлаштириш, хорижий сармоялар жалб этилишини рағбатлантириш, хусусий бизнесни ривожлантириш бўйича олиб бораётган чора-тадбирларини юқори баҳолашди.

Мажлисда АЎСП Директорлар кенгашининг янги таркиби ҳамда палата президенти Ж. Корнелнинг номзоди яна бир муддатга тасдиқланди.

«Жаҳон» АА.

Биз ва жаҳон

ТАРИХИЙ МЕРОСНИ ТАЪМИРЛАШГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкентдаги Икуо Хираяма Халқаро Маданият Карвонсаройида «Марказий Осиё ҳудудида тарихий-маданий меросни таъмирлаш муаммолари. Асосий тараққиёт истиқболларини ишлаб чиқиш» мавзуига бағишланган икки кунлик халқаро илмий-назарий конференция иш бошлади.

У ЮНЕСКО, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ушбу халқаро анжуманни ташкил этишдан кўзланган мақсад Ўзбекистонда маданий ёдгорликлар ва санъат асарларини таъмирлаш ишларини жаҳон илғор тажрибаси билан бойитиш ҳамда миллий таъмирлаш анъаналаримизни кенг миқёсда тарғиб этиш билан изоҳланади.

Халқаро конференцияда Россия, Миср, Туркия, Греция, Франция, Ирландия, Болгария, Украина ва Марказий Осиё мамлакатларидан келган етук олим ва мутахассислар иштирок этди.

Шухрат УМИРОВ, «Жаҳон» АА мухбири.

ИЛҒОР ФЕРМЕРЛАР СЕМИНАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида илғор фермер хўжаликлари раҳбарларининг семинари бошланди.

Юртимиз иқтисодиётининг янада юксалишида аграр тармоқ етакчи ўринлардан бирида туради. Шу боис мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Фермерлик аграр соҳадаги хўжалик юритишнинг энг истиқболли ва самарали шакли сифатида ўз тасдиғини топмоқда.

Икки кунлик семинардан кўзланган мақсад фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқлари, манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар, фармонлар, қарорлар ва дастурларнинг моҳиятини чуқур тушунтириш, фермерларнинг ижтимоий-сиёсий билимини ошириш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўлларини белгилаб олишдан иборат.

ЎзА.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

Маълумки, шу йилнинг 15 ноябридан бошлаб мамлакатимизда Ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда. Тилсиз ёв хавфини бартараф этиш мақсадида жойларда ташкил этилаётган тарғибот ишлари, турли тадбирларнинг жонланиши, айниқса, самарали бўлаётир.

ТАРҒИБОТ КЎЛАМИ КЕНГ

Янгийўл шаҳар ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлими томонидан аниқ режа асосида амалий ҳаракатлар кучайтирилди. 15 турдаги эслатма-йўриқномалар кўпминг нусхада чоп этилиб, аҳоли масканлари, корхона ҳамда турли ўқув муассасаларига тарқатилди. Йирик ташкилотлар ва аҳоли гавжум масканларда ёнғин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилди. Минглаб хонадонлар ва кўп қаватли уйлардаги ёнғин хавфсизлиги ҳолати ўрганилиб, мавжуд камчиликлар бартараф этилди.

Айниқса, шаҳардаги 14-болалар боғчаси, 4-умумтаълим мактабида ўтказилган давра суҳбатлари ҳамда «Биокимё» ҳиссадорлик жамиятидаги тактик ўқув-машғулотлар аъло даражада ташкил этилди.

СУРАТЛАРДА: *ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан ўқув муассасалари ҳамда хўжалик корхоналарида олиб борилаётган тарғибот тадбирларидан лавҳалар.*

Даврон АҲМАД ва Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

«МУҚАДДАМАТУЛ АДАБ» ТОКИОДА ҲАМ МАШҲУР

Токиода буюк мутафаккир Маҳмуд аз-Замаҳшарий меросини ўрганишга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Унда Япония академик доиралари вакиллари, Марказий Осиё халқлари тарихи ва маданий мероси бўйича иш олиб борувчи илмий мутахассислар ҳамда Тошкент Ислом университети олимларидан иборат мамлакатимиз делегацияси аъзолари иштирок этди.

Тадбир ташкилотчиси, Канда университети профессори Х. Каннонинг маълум қилишича, аз-Замаҳшарийнинг «Муқаддаматул адаб» асари Кунчиқар мамлакатда ҳам бениҳоя машҳур. Араб, форс, турк ва мўғул тилларининг изоҳли луғати сифатида яратилган ушбу асар авлодларимиз томонидан яратилган бошқа кўплаб ноёб адабий-илмий манбаларнинг ўзига хос калити вазифасини бажариб келади. Унда ўрта асрларда Шарқ олами маданияти, санъати, ижтимоий ҳаётининг турли соҳалари бўйича батафсил маълумотлар ўз ифодасини топган.

Айни пайтда эса япон олимлари буюк аждодимиз меросини чуқур ўрганиш ҳамда уни япон жамоатчилиги орасида кенг тарғиб этиш учун 2007 йилга қадар «Муқаддаматул адаб»нинг фотонусхасини Японияда чоп этиш устида иш олиб бормоқдалар.

Акмалжон ҚЎЧҚОРОВ, «Жаҳон» АА мухбири.

Маҳалла

ЮРТ ХИЗМАТИДА

Ангрен шаҳрида 49 та маҳалла бўлиб, Жигаристон улар орасида энг намуналиси ҳисобланади. Маҳалла раиси Ўрозали Рахов табиатан камсуқум, камгап кўринса-да, ўзининг ишбилармонлиги, фидойилиги билан маҳалладошлари ҳурматини қозонган.

— Инсон маънавияти у яшаётган муҳитда шакллана-ди, камол топади, — дейди у. — Демак, энг аввало, маънавий тўқислик — ободончилик ишларини йўлга қўйиш керак. Агар фарзандларимиз тоза, озода хонадонларда яшаб, саранжом-саришта, обод кўчалардан ўтиб, чиройли, дид билан безатилган, кенг, ёруғ мактабларда таълим олсалар, келажакда улардан ҳар томонлама етук, баркамол инсонлар етишиб чиқиши аниқ. Бунинг учун ҳамжиҳатлик керак...

Маҳалла кўчалари ҳақиқатан ҳам кейинги пайтларда анча ўзгарган, барча ишлар ҳашар йўли билан амалга оширилаётгани ўзининг натижасини кўрсатиб турипти. Маҳалла ҳудудидаги қабристонни ободонлаштиришда маҳалла аҳли бир тан, бир жон бўлиб меҳнат қилди. Айниқса, маҳалла оқсоқолининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Мамлакат Шомирзаева фидойилиги, жонкуярлиги билан маҳалладошлар меҳрини қозонди.

— Энг аввало, ҳар бир инсоннинг юрагида ўти бўлсин, Ватан, халқ ишқида ёнсин, — дейди у. — Менинг бутун ҳаётим, борлиғим мана шу маҳаллам. Болажонлар — жону дилим. Уларнинг захматкаш ота-оналари эса ҳар бир ишда маслаҳатгўйим, қўл-қанотларим.

Асл касби ўқитувчи бўлган Мамлакат Шомирзаева маҳалла аҳлининг яқин дўсти, маслаҳатчиси. Жигаристонликларнинг тўй-маъракалари ҳам раис маслаҳатчиси иштирокида ўйин-кулги билан ўтказилади.

— Ҳозир нима кўп, тўй-томоша кўп. Болажон халқимизнинг орзу-ҳаваси — фарзанд ўстириш, юртга ош бериш, — дейди у. — Лекин йиққан-терганини бир тўй деб совураётган, камига қарзга ботиб, қутулолмай юрган оилалар ҳам йўқ эмас. Бу эса, ортиқча исроф, дабдабабозлик, манманликдан бошқа нарса эмас. Биз маҳаллада ана шундай иллаларнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўраяпмиз. Ҳозир кўп хонадонларда тўйлар анча ихчам ўтказиляпти. Келинга қилинадиган сеп, сарпо-суруғ ҳам чекланган. Бу ишларда бизга маҳалладаги кекса, кайвони онахонлар ёрдам беришади. Маҳалла фаоллари билан ўтказиладиган «Ибратли қайнона», «Ибратли оила», «Ибратли келин» ва «Келин-куёв» кўрик-танловлари маъно-мазмун жиҳатидан ахлоқий-маърифий аҳамиятга эга бўлиб, халқ томонидан яхши кутиб олинмоқда.

Маҳалла қўмитасининг ибратли ишларидан яна бири маҳаллада шахмат-шашка, футбол, волейбол, баскетбол тўгаракларининг очилиши бўлди. Спорт ва соғломлаштириш ишларига алоҳида эътибор бериш Президентимиз фармонларида ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилган. Шу маънода Жигаристон маҳалласида олиб борилаётган ишларни жамиятимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги саъй-ҳаракатлардан бири, десак муболаға бўлмас.

Сайёра ЭШМАТОВА.

Olamda nima gap?

ТАБИИЙ ОФАТЛАР КЕЛТИРАЁТГАН КУЛФАТ

Эроннинг Кешм оролида ер силкиниши рўй берди. Зилзила кучи Рихтер ўлчови бўйича 5,9 баллга етди. Табиий офат натижасида йигирмага яқин одам қурбон бўлгани айтилмоқда.

Эроннинг жанубида жойлашган Кешм Форс кўрфазидаги энг йирик оролларидан бири саналади. Унинг умумий майдони 1,5 минг квадрат километрга тенг. РАТА-ТАСС хабарларига қараганда, зилзиладан айниқса оролдаги тўртта қишлоқ жиддий зарар кўрган. Бу ерда биноларнинг 60-90 фоизи вайрон бўлган.

Зилзила юз берган ҳудудда жабрланганларга ёрдам кўрсатилмоқда. Электр таъминотини тиклаш ишлари ҳам бошлаб юборилган.

Яна бир зилзила Хитойнинг шарқий ва марказий ҳудудларида кузатилди. Цзянси ва Хубэйда содир бўлган ер силкиниши оқибатида ўндан ортиқ одам қурбон бўлди, саккиз мингга яқин киши турли даражада жароҳатланди.

Синхуа хабарларига кўра, ҳукумат зилзила оқибатларини бартараф этиш учун 10 миллион юан (1,25 миллион АҚШ долларига тенг) миқдорида маблағ ажратган.

Хэйлунцзяндаги кўмир шахтасида эса ҳалокат содир бўлди. Фожиа туфайли қурбон бўлганлар 68 нафарга етган. Ҳалокат рўй берган вақтда шахтада 221 кончи бўлган. Улардан 74 нафарининг ҳаёти сақлаб қолинган. Кўпчилигининг тақдири эса ҳозирча маълум эмас.

"Лунмэн майнинг груп" компаниясига қарашли "Дунфэн" кўмир шахтаси мамлакатдаги йирик шахталардан биридир. Дастлабки тахминга кўра, конда турли газларнинг тўпланиб қолиши кучли портлашга сабаб бўлган.

Таъкидлаш керак, Хитой кўмир қазиб олиш ва истеъмол қилиш бўйича дунёда етакчи ўринда туради. Лекин сўнгги пайтларда мамлакатда шахта ҳалокатлари тез-тез содир бўлмоқда. Маълумотларга кўра, ўтган йилнинг ўзида шахталарда юз берган турли ҳалокатлар туфайли мамлакат бўйича 6 минг нафар кончи ҳаётдан кўз юмган.

ЕВРОПАДА ҚОР БЎРОНИ АВЖИГА ЧИҚАЯПТИ

Табиат инжиқликлари Европа учун талай муаммоларни келтириб чиқарди. Ўтган ҳафта охирида бошланган қор минтақадаги айрим мамлакатларнинг иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмасига жиддий талафот етказди.

"Новости" ахборот маҳкамаси хабарларига қараганда, ноқулай об-ҳаво Германияда 2 мингга яқин йўл-транспорт ҳодисасига сабаб бўлган. Бунинг оқибатида бир киши ҳалок бўлган, 150 киши жароҳат олган. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, Германия иқтисодиётига келтирилган зарар миқдори 6 миллион евродан ошади.

Қалин қор кўплаб электр тармоқларини ишдан чиқарди. 120 минг одам энергия ва иссиқлик таъминотидан маҳрум бўлди. Ҳукумат кўчма генераторлар ёрдамида шифохоналар, қариялар уйлари ва қаттиқ совуқ туфайли ўз хонадонларини тарк этган одамлар учун ташкил этилган махсус ётоқхоналарни иситишга ҳаракат қилаётир.

Қор Нидерландияда ҳам кўплаб хонадонларнинг электр қувватидан фойдаланиш имкониятини йўққа чиқарди. Йўлларда эса узундан-узоқ машина қаторлари юзага келди. Одамлар автомобилда соатлаб вақт ўтказишга мажбур бўлмоқда.

Қор бўрони, шунингдек, Францияда автотранспорт ҳаракатини тўхтатиб қўйди. Пойтахтга олиб борувчи йўлларда мингдан зиёд автомобиль юролмасдан туриб қолди. Париждаги машҳур Эйфель минораси сайёҳлар учун вақтинча ёпиб қўйилди. Мингга яқин турар-жой биноси электр таъминотидан узилди.

Буюк Британияда эса қалин қор оқибатида юзлаб автомобиль йўлларда эгасиз қолиб кетди. Ҳайдовчи ва йўловчилар хавфсиз жойларга кўчирилди. Қутқарув хизматлари вертолётлар ёрдамида мамлакатнинг қордан зиён кўрган ҳудудларига озиқ-овқат ва иссиқ кийимлар етказиб бермоқда. Қор эса авжига чиқмоқда...

ЎзА.

«АСАЛ ВА ЧОЙ»

Тошкентда Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ташаббуси билан "Асал ва чой" деб номланган фестивал ўтказилди. Унда республиканинг барча ҳудудларидаги асаларичилар, шунингдек, Вьетнам савдо ташкилоти ва "Тошкент чой" фирмаси вакиллари иштирок этишди.

Ташкилотчиларнинг таъкидлашларича, мазкур тадбир бебаҳо табиат инъоми бўлган асалнинг шифобахш хусусиятларини яна бир бор намойиш этиш, уни етиштириб берувчиларга эса ўз маҳсулотларини хорижий давлатларга экспорт қилишлари учун имконият яратиш мақсадида ташкил этилди.

– Тошкент асаларичилар жамияти 1949 йилда тузилган. Ҳозирда унинг аъзоларини сони 250 нафарга етди, – деди жамият раҳбари Зокиржон Мирҳожиев. – Жамият томонидан асаларичиларга маҳсулотларини қайта ишлашда яқиндан ёрдам кўрсатилади. Жумладан, соҳага доир керакли маслаҳатлар берилади, асаларичилик билан эндигина шуғуллана бошлаганлар учун эса ўқув курслари, ўзаро тажриба ва малака алмашиш имконини берувчи семинарлар ташкил этилади.

Вьетнамнинг Ўзбекистондаги элчихонаси савдо маслаҳатчиси Дин Зуй Чунг ўзбек асалига юқори баҳо берди. Савдо маслаҳатчисининг таъкидлашича, Вьетнам чойлари 70дан ортиқ давлатларга экспорт қилинади.

Фестивалда 10 навдаги асал, ўндан ортиқ турдаги гул чанглари, прополис, асалари сути ҳамда Вьетнамда ишлаб чиқариладиган чойлар намойиш этилди.

«Туркистон-пресс».

Опубликованное 26 ноября 2005 года в газете «Тошкент ҳақиқати» объявления компаний «Endevour LLC» и «TALAXICO Ltd.Co» о намерении приобрести акции пунктов и % от УФ следует читать: «Свыше 15% от УФ».

* * *

Компания «Endevour LLC» по эмитенту ОАО «Тансиқ-нон» объявляет о намерении приобрести 110583 штук безналичных простых именных акций и 18253 штук наличных простых именных акций, что составляет 50% от общего уставного фонда.

Компания «TALAXICO Ltd.Co» по эмитенту ОАО «Тансиқ-нон» объявляет о намерении приобрести 110583 штук безналичных простых именных акций и 18253 штук наличных простых именных акций, что составляет 50% от общего уставного фонда.

Шеърият

Шеърият – кўнгил мулки демишлар. Кўнгил эса оламнинг ўзига хос инъикоси десак бўлади. Унга Ангреннинг тоғларию Оҳангарон мавжлари, Қорасувнинг ўйноқилигию Паркент узумзорларининг сокинлиги жо бўлади. Бу жолик бора-бора тўлиқиб, шеърий сатрларга айлана бошлайди. Шундай пайтларда дилингиз тошади, ўзингизга бир ҳамсуҳбат қидирасиз. Кўнглимнинг бу сафарги тўлқинларини ўзим ниҳоятда яхши кўрган газетамга илингим, унинг муштарийлари билан сирлашгим келди.

ЯХШИЛИКНИ АЙЛАГИН ТУМОР

ОШИҚОНА

Соҳилга кел, соҳибжамолим,
Тўлин ой нур сочганида кел.
Сочларингдан ул толим-толим,
Ел мушк олиб қочганида кел.

Кел, васлингга этмагил муштоқ,
Исминг такрор эрур тилимда.
Питирлайди юрагим қушдек,
Қўним топай дея дилингда.

Шивирлашар аста япроқлар,
Нағма қилар табиат сармаст.
Сукут сақлар гуландом боғлар,
Кўнгилларни этайлик пайваст.

Муҳаббатнинг борми поёни,
Умр каби сўнгсиздир севги.
У забт этган кўҳна дунёни,
Энг муқаддас чўнг сўздир севги.

Орзумиз: ишқ малаги қўллаб,
Умримизни этсин чароғон.
Орзумиз: ишқ ёндирган диллар
Муҳаббатга бўлсин чароғбон.

Пойимизда ташна бўлишиб,
Зилол сувлар қулоқ тутсинлар.
Шилдир-шилдир нозли кулишиб,
Орзумизни олиб кетсинлар.

Фақат сен кел, шу оқшом чоқда –
Ошиқ юрак айтсин тарона.
Ишққа ошён дунёмиз ҳақда,
Куйлаб берай мен ошиқона.

ИЗЛАРИМ

Одимлаб бораман билмасдан тиним,
Олис чўққилардан узмай кўзларим.
Ортимда қолади узундан узун,
Гоҳ ёмғир, гоҳ дўлда босган изларим.

Изларим сира ҳам топмайди завол,
Барчанинг кўзида бўлур намоён.
Учириб кетолмас уларни шамол,
Қуюн, тўфондан ҳам қолади омон.

Изларим осмонга талпиниб мудом,
Парвозга интиқдек кўкка шайланар.
Мен юриб бораман дилим беором,
Изларим оҳиста қушга айланар.

Бири бойқуш бўлиб этса магар роз
Танҳо забунликка алқаб дамо-дам,
Бири булбул бўлиб сайрар хушовоз,
Ошиқ юракларга кўяди малҳам.

Фақат битта жумбоқ қийнайди мани:
Булбуллари кўпроқ бўлсайди, қани?!.

ТАШВИШ

Ташвиш чекма дейишар менга,
Кексаликка ёр этар сени.
Қувнаб яша, маслаҳат сенга,
Ташвиш тезда қаритар сени.

Ажаб дейман, ташвиш қилмайин,
Ахир қандай яшаркин одам?
Инсон зоти борки, анчайин,
Ташвиш унга ажралмас ҳамдам.

Ёмон бўлса қўшним соғлиғи,
Юрагимда ортади ташвиш.
Зирқирайди бутун борлиғим.
Исканжага тортади ташвиш.

Кўриб роса чекаман озор,
Биров кўзи бўлса ногирон.
Бевақт йиғи эшитилса гар,
Вужудимни қоплар ҳаяжон.

Дўст дўстига қилса хиёнат,
Жисми жоним олар аланга!
Сим-сим оғриқ бермас ҳаловат,
Зарб етгандек менинг танамга.

Пулга сотса имонин биров
Ҳузур бўлар менга бегона.
Сочимга ҳам илашар қиров,
Изтиробда қоламан яна.

Дўстлар, ташвиш чекмайин дейман,
Яшай дейман доим шодумон.
Ташвиш ҳақда шеър битмай дейман,
Тополмайман бунга ҳеч имкон.

Энг оддийси, яшаб шод, хуррам
Юрса ҳамки қувноқ, бекойиш.
Тинчлик бўлсин куррада ҳар дам,
Дея инсон чекади ташвиш.

Темур УБАЙДУЛЛО.

ОЗОДБЕК БИЛАН СУҲБАТ

— Қалдирғочнинг шўхлиги ширин,
Вижир-вижир қўшиғи ширин.
— Пок нияти бор-да, болам.

— Кўрганми ҳеч ўзи қайрилиб,
Думи унинг нега айри-а?
— Хосияти бор-да, болам.

— Қанотларин елларда тараб.
Самоларда учади яйраб...
— Камолоти ёр-да, болам.

— Йўл сўраркан қушлар сўқмоқдан,
Тераклардан, гул тўла боғдан...
— Олам бедор-да, болам.
— Қалдирғоч ҳеч сўрамасмиш йўл,
Ёки унда айланмасми тил?
— Фаросати бор-да, болам.

— Нега уйин қурар бўғотга.
Ё яқинми одамизотга?
— Мурувватга зор-да, болам.

Бир лаҳзада яхши ё ёмон,
Сўзлар қалбга қолгай ўрнашиб.
Умр бўлгай умрга пайванд
Бир лаҳзада диллар сирлашиб.

Мисқол-мисқол топилган шон ҳам,
Бўлиб кетар лаҳзада бекор.
Бир лаҳзада туғилган одам,
Мангуликка қўйсин пойдевор...

* * *

— Дада, чизинг тинчликнинг расмини –
Қалам тутар ўғлим бетоқат.
Ўртоқларим томоша қилсин.
Чизоласиз сиз уни фақат,

— Етар менда саботу сабр,
Ўғлим, чизиб берардим, лекин,
Аҳли жаҳон бўлса мусаввир
Тинчлик расмин чизмоқлик мумкин!

* * *

Гоҳ кулиб, гоҳида кўзимни ёшлаб,
Қисматингга боқдим ҳайратда Инсон:
Дунёга келган кунингдан бошлаб,
Бир қўлингда қилич, бир қўлингда нон.

* * *

Тонгда турдим она табиат гулюз,
Боқсам майсаларга инибди шабнам.
Бутун соғинчини гўёки юлдуз,
Она Ер кўксига айлабди малҳам.

Ўйлаб топилмаган ҳикоялар

РАИСНИНГ БОЛАСИ

ёхуд куйдирган ўғил

Иккинчи жаҳон уруши йиллари эди. Асосий юк аёллар, кексалар, болалар зиммасига тушган. Жанг қилиш учун яроқли эркак борки ҳаммаси фронтда жон олиб жон берарди. Бироқ, Хожимат раиснинг ўғли Эргаш сатанг тенгдошлари қатори урушга кетмади. Ўша пайтда республикада катта обрў-эътиборга эга бўлган Хожимат раис ҳарбий бўлинма билан гаплашиб, қариганда кўрган ёлғиз арзандасининг ёшини кичрайтириб, сафарбарликдан олиб қолган.

Уруш айни авжига минган ўша пайтларда Хожимат раис фронтга озиқ-овқат жўнатишда алоҳида жонбозлик кўрсатиб, хўжаликдан анча-мунча маҳсулот юбориб турганлиги учун даврнинг «отаси» бўлган Сталиндан миннатдорчилик мактубини олганди. Буни билган раҳбарлар раиснинг унча-бунча қилиқларидан кўз юмишарди...

Отанинг бундай меҳрибончиликлари ўғилга хуш ёқар, ёққан сари хурмача қилиқлари болалаб борарди. Шунинг учун одамлар орасида «Эргаш сатанг» номини орттирди. Кўчада дуч келган кишини зор қақшатар, суюқоёқ аёллар билан донг олишиб юрарди. Бориб-бориб ичкиликка муккасидан кетди.

Кунларнинг бирида юз берган воқеа Хожимат раисни бироз сергаклантирди.

Эрта баҳор кезлари эди. Кечки пайт эшик тақиллаб қолди. Хожимат раис кўча эшик олдида кимдир турганлигини кўриб, дарров ташқарига чиқди. Шу пайт масталаст ҳолда уйга қайтаётган ўғли остонада турган аёлга рўбарў келди.

— Жон ука, озгина ёрдам қилинг, уйда болаларим оч ўтирибди, — дея зорланди аёл.

Эргаш сатанг эса унга раҳми келиш ўрнига ўдағайлаб кетди:

— Нима, сенларга бу уй етимларга садақа қиладиган жойми, ҳамманг шу ерга келасанлар. Йўқол, турқингни кўрсатма?

Аёл раиснинг боласи айниб кетибди, деган гапни эшитганди-ю, аммо, бу даражада худбин бўлиб қолганлигини хаёлига ҳам келтирмаганди. Унинг бу ўшқириғидан қўрқиб кетиб, турган жойида қотиб қолди.

Ўғлининг бу аёлга қилган муомаласини эшитиб келаётган ота ўғлининг ароқ ҳиди анқиб турган оғзи аралаш тарсаки тортиб юборди.

— Синглим, хафа бўлманг, ўғлимнинг ўрнига мен сиздан кечирим сўрайман, — деди раис. Кейин чўнтагидан пул чиқариб аёлга узатди ва бироз шошмай туришини тайинлаб, уйга кирди. Ошхонадаги хумга қовуриб босилган гўштдан олдида, иккита нонинг орасига қўйиб, олиб чиқди.

— Манавини болаларингизга олиб боринг, — дея аёлни кузатиб қўйди.

— Сен кўрнамакка нима етмайди? — илк бор ўғлига ўшқирди ичкарига ғазаб билан кириб келган ота. — Кўча-кўйда қилиб юрган ножўя ишларинг ҳақида ончабунча эшитгандим. Аммо инсофга келиб қоларсан, деб индамай юргандим, бу даражада ифлос бўлиб кетгансан деб ўйламагандим. Шу кетишинг бўлса, эртага хорзор бўласан, ҳеч ким ҳолингни сўрамай қўяди. Менинг ҳам юзимни ерга қаратасан, эл-юрт олдида мисқоллаб йиққан обрўйимни йўқ қиласан...

ЭККАНИНИ ЎРЯПТИ

Уйлантирсам ақли кириб қолар дея умид қилган ота кеч кузда элга дастурхон ёзиб, тўй қилди. Камбағал, ота-онасиз, акалари қўлида тарбия топган қизни келин қилди. Келин хуснда, одобу ахлоқда тенгсиз эди. Буни эшитганлар: «Раиснинг боласига бу қиз ҳайф» дейишди. Эргаш сатанг уйланганидан сўнг ҳам саёқ юришини қўймади. Бузуқ аёллар билан ҳамон донг олишар, устига устак ичкиликнинг қулига айланганди. Отанинг топганини шундай ҳаром ишларга совурарди. Энди отанинг дўқпўписалари ҳам таъсир қилмасди.

Вақт ўтгани сари Эргашнинг ўз хотинига муносабати ўзгара бошлади. Уни бўлар-бўлмасга ҳақоратлайдиган, калтаклайдиган одат чиқарди. Келин шўрлик эса бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмасди. «Кўз очиб кўрганим, ёмон бўлса ҳам шу менинг эрим. Ўлдириб юборса ҳам ажрашмайман. Иффатсиз келин деган ном орттиргандан кўра, калтакдан ўлганим яхши», деган андишанинг кучи билан аламларини ичга ютарди.

Эрнинг хотинига бўлган бундай совуқ муносабати фожиали воқеа сабаб бутун шаҳарда шов-шув гап-сўз бўлди. Ота-онанинг юзи ерга қаради...

Бир куни қуёш тиккага келган пайтда Эргаш сатанг уйга ширакайф кириб келди.

— Мен сени барибир ўлдираман, ўрнингга бошқасини оламан, — дея ҳовлида кир ювиб ўтирган хотинига ўшқирдида, уйга кириб кетди. Қайтиб чиққанида қўлида ўқланган тўппонча бор эди...

Ўша куни Хожимат раиснинг уйидан чиққан ўқ овозини бутун маҳалла эшитди. Эртасига «Эргаш сатанг хотинини отиб қўйибди. Ўқ қўл суягини парчалаб юборгани учун кесиб ташлашибди» деган гап тарқалди...

Ота бу иснодларга ортиқ чидолмай, раисликни топшириб, яшаб турган уйини маҳалладаги энг камбағал одамга берди. Оиласи билан маҳалладан кўчиб кетди.

Орадан йиллар ўтди. Эргаш сатанг заррача ўзгармади. Унинг юриш-туриши ўша-ўша эди. Ота-она бу куйдиргич ўғилнинг дастидан оғир дардга чалиниб, оламдан ўтишди.

Ота ўлимидан кейин рўзғордан барака кетди. Эргаш ўзи топганини ўзи йўқ қилар, уйида нима бор, нима йўқ қизиқмасди ҳам. Бир қўлли турмуш ўртоғи анча қийинчиликдан сўнг тўқимачилик комбинатига ишга кирди. Шу орада Худодан тилабтилаб бир қизлик бўлди. Уни бир қўллаб вояга етказди, оқила қиз қилиб тарбиялади. Она қизининг сарпо-суруғидан тортиб, тўй харажатларини ҳам бир ўзи ишлаб топди, ҳеч кимдан кам қилмай турмушга берди.

Аммо, инсон темир эмас. Эридан кўрган жабру ситамларини кўтара олмаган шўрлик аёл асаб касаллигига учраб, оламдан ўтди. Буни эшитгач «Нобоп эрнинг жабр-зулмидан қутилибди бечора», деганлар ҳам бўлди.

Тақдирнинг ҳазилини қаранг, «яхшига ҳаёт, ёмонга ўлим йўқ». Ота-онани шармисор қилган, хотинни хўрлаб, зор қақшатган Эргаш сатанг ҳамон ҳаёт, аммо мункиллаб қолган, турмуши ҳам шунга яраша. Маҳалла-кўйда заррача обрўси йўқ. Қизидан бўлак йўқлагучи топилмайди. Таниш-билишлар ҳамон қўлини бигиз қилиб, уни «Раиснинг боласи» дейди.

Равшан НЕЪМАТОВ.

● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport



Илгари хабар қилганимиздек, пойтахтдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида кураш бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққанлар ўзбек кураши спортнинг ўзига хос бетакрор тури эканлиги, ушбу чемпионат эса яқин келажакда Олимпия ўйинлари қаторидан ўрин олишига, XXI аср спорти сифатида довруғ таратишига замин яратишлигини таъкидлаб ўтишди.

ВАКИЛЛАРИМИЗ ИШОНЧНИ ОҚЛАШДИ

Татамига биринчи бўлиб 63 килограмм вазн тоифасидаги қизлар таклиф этилди. Чорак финалда вакилимиз Умида Сафарова покистонлик Гул Замон Хонни енгиб, ярим финалга йўл олди. Буюк Британия вакили Маллей Жойс билан бўлган беллашувда ҳам вакилимизга омад кулиб боқди. Фақат финал учрашувида мағлубият аламини чекишга мажбур бўлди.

Қолган вазнларда ҳам қизларимиз фахрли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлишди. Гулмира Исматова (70 кг) ҳамда Зулхожа Худоёрова (78 кг) ўз вазн тоифаларида олтин медалли бўлишди.

Эркаклар ўртасидаги бахслар ҳам ўзига хос тарзда қизиқарли ўтди. 81 килограмм вазндаги спортчилар баҳсининг финалида вакилимиз Рамзиддин Саидов эронлик полвон Давид Баласян билан беллашиб, Жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Яна бир вакилимиз Давлат Чориев ҳам олтин медалга эга бўлди.

Иккинчи кун беллашувлари биринчи кундагиданда қизғин, муросасиз кечди. 48 килограмм вазнда Шаҳноза Мавлонова иккинчи ўринни эгаллади.

Яна бир вакилимиз Фурқат Маматов (60 кг) барча рақибларини доғда қолдириб, биринчи ўрин соҳибига айланди.

Мутлақ вазндаги аёллар беллашувларида Мария Шекерова (Ўзбекистон) кумуш медалга сазовор бўлди. Шу вазндаги эркаклар мусобақасининг чорак финалида тўрт курашчимиз — Шуҳрат Муродов Абдулла Тангриев билан, Улуғбек Исломов Ўткир Қурбонов билан татамига чиқдилар. Ярим финалга эса Абдулла ва Ўткир етиб келишди. А. Тангриев сўнгги финал учрашувини грециялик Илиадис Дианиссис билан ўтказди. Баъзи мутахассислар Абдулланинг, айримлари эса грециялик полвоннинг ғалабасини башорат қилишган эди. Лекин кўп йиллик катта тажриба ва томошабинлар олқиши Абдуллага кўмак бериб, у жаҳон чемпиони бўлди.

Шундай қилиб, кураш бўйича навбатдаги бешинчи жаҳон чемпионати якунига етди. У янги-янги кураш юлдузларини кашф этди. Энг муҳими, XXI асрда ўзбек кураши Олимпия ўйинлари дастуридаги энг оммавий спорт турларидан бирига айланиши сари яна бир қадам ташланди.

СУРАТЛАРДА: чемпионатдан лавҳалар.
Алишер РИСҚИЕВ олган суратлар.

Хуршида НАЗАРОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Шундан кейин

Автоҳалокат

Лотин Америкасида жойлашган мамлакатлардан бири Перуда йирик автоҳалокат содир бўлди.

Йўловчи автобуси Лима шаҳридан тахминан 100 километр шарқий йўналишдаги тоғли ҳудудда жарликка қулаб тушган. Бунинг оқибатида 21 киши ҳаётдан кўз юмган. Ҳозирча ҳалокат сабаблари маълум эмас. Перуда ҳар йили қиш мавсумида жуда кўплаб йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлади. Бунга кўп жиҳатдан йўлларнинг таъмирталаблиги ҳам сабабдир. Ҳалокат рўй берган жойдан сув оқиб ўтиши қутқарув ишларини қийинлаштирди. Рўй берган воқеа юзасидан текширув ишлари бошлаб юборилган.

89 ёшли жиноятчи

Чилининг собиқ ҳарбий раҳбари Аугусто Пиночет уй қамоғида сақланмоқда. У солиқларни тўламаганлик ҳамда ҳужжатларни қалбакилаштирганликда айбдор деб ҳисобланмоқда.

У шунингдек қалбаки расмий ҳужжатлардан фойдаланганлик, ҳисоб-рақамларида мавжуд бўлган маблағларни яширганликда ҳам айбланаяпти. Тахминларга кўра айни чоғда Пиночетнинг ҳисоб-рақамларида бўлган маблағ 27 миллион долларни ташкил этади. Улар Пиночет томонидан ўйлаб топилган шахсларнинг номида. Бундан илгари Пиночет икки марта инсон ҳуқуқларининг бузилишида айбланган, аммо соғлиғининг ёмонлиги боис суд жавобгарлигидан қутулиб қолганди. 89 ёшли собиқ диктатор ўзига нисбатан билдирилаётган айбловларни рад этмоқда.

Футбол

«ПАХТАКОР»: ҲАМ ЧЕМПИОН, ҲАМ КУБОК СОҲИБИ

«Пахтакор» марказий ўйиноҳида Ўзбекистон кубоги учун мамлакатимизнинг икки номдор жамоаси финал учрашувини ўтказди.

«Пахтакор» жамоаси саккизинчи, «Нефтчи» эса еттинчи бор финал баҳсида иштирок этди. «Пахтакор» олти бор, «Нефтчи» эса икки бор биллур совринни қўлга киритган эди.

Чемпионат ўйинларида совринли ўринларни эгаллай олмаган «Нефтчи» финалда «Пахтакор»ни енгиб, кубок эгаси бўлсагина, Осиё чемпионлар лигаси мусобақаларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритиши мумкин эди. Акс ҳолда чемпионатнинг кумуш медалини қўлга киритган Муборакнинг «Машъал» жамоаси Осиё чемпионлар лигаси мусобақаларида «Пахтакор» билан бирга мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилиши лозим бўларди. Шунинг учун учрашув бошиданоқ ҳар икки жамоа ҳужумкор ўйин кўрсата бошлади.

Учрашувнинг 26-дақиқасида миллий чемпионат тўпурарлари баҳсида ғолиб чиққан Анвар Солиев қанотдан жарима майдончасига узатилган тўпни боши билан дарвозага йўллаб, ҳисобни очишга эришди. Танаффусгача 1:0 ҳисоби ўзгармай қолди. Ана шу ягона тўп ҳисобига «Пахтакор» жамоаси биллур совринни еттинчи бор қўлга киритди.

Талъат ЮСУПОВ.

Картинг

Бухоро вилоятининг Ғиждувон шаҳрида спортнинг техник ва амалий турлари (картинг) бўйича ўтказилган Ўзбекистон кубоги мусобақаларида вилоятимиз вакиллари муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларни эгалладилар.

ОТА-БОЛА ҒОЛИБЛИК ШОҲСУПАСИДА

Картинг бўйича 2005 йил кубоги мусобақалари Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарпар» ташкилоти Марказий Кенгаши, техник ва амалий спорт турлари республика маркази, «Ватанпарвар» ташкилотининг Бухоро вилоят кенгаши, Ғиждувон шаҳар автомобиль мактаби ҳамда Ўзбекистон миллий автомобиль федерацияси томонидан ташкил этилди. Унда қатор вилоят ҳамда Тошкент шаҳрининг автомобиль мактаблари ва спорт-техника клублари вакиллари иштирок этиб, шахсий ҳамда жамоа ҳисобида ғолиблик учун қизғин кураш олиб бордилар.

Муросасиз кечган мусобақаларда вилоятимиз шарафини ҳимоя қилган ота-бола картингчиларимиз — Владимир ва Максим Ушекалар ҳам шахсий, ҳам жамоа ҳисобида юксак натижаларга эришиб, совриндорлар сафидан ўрин олдилар.

Ангрен автомобиль клуби вакили, спорт устаси Владимир Ушека 125 куб сантиметр «Интерконтинентал-С» классидаги баҳсларда энг юқори натижа кўрсатиб, ғалаба қозонди. 50 куб сантиметр «Пионер» классида қатнашган биринчи разрядли Максим Ушека ҳам барча рақибларини ортда қолдириб, биринчи ўринни эгаллади.

Ота-бола картингчиларнинг саъй-ҳаракатлари билан Ангрен автомобиль клуби жамоа ҳисобида Ўзбекистон кубоги мусобақаларининг кумуш медалига сазовор бўлди.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ.

Муҳокама учун мавзу

Миллий қўшиқчилигимиз ривожига ўз ҳиссасини қўшган санъаткорларимиз жуда кўп. Аммо, миллий қўшиқчилик санъатининг бугунги ҳолатига назар ташласак, унинг нуфузи бир қадар сусайганига гувоҳ бўламиз.

МЕЪЁР — ЭНГ УЛУҒ МЕЪМОР

Яшириб нима қилдик, илгарилари радио орқали Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Комилжон Отаниёзов, Юнус Ражабий, Таваккал Қодиров, Фаттоҳхон Мамадалиев каби устоз санъаткорларнинг қўшиқлари тез-тез янграб турарди.

Айниқса, бастакор Муҳаммаджон Мирзаев рубобда яратган «Гулноз», «Интизор этма», «Олтин сандиқ» сингари бир қатор қўшиқ ва куйларни мактабда ўқиб юрган чоғимиздаёқ марҳум устозимиз Эшонжон ота Бойматов ўргатганлари ҳали-ҳамон ёдимда. Чунки, мен болаликдан рубоб чалишга қизиқардим. Ҳозиргача бу соз қўлимдан тушмай келади. Мана, ўттиз икки йилдирки, болаларга рубоб чалиш сирларини ўргатиб келмоқдаман.

Бир пайтлар Янгийўл шаҳар марказий маданият уйи қошида вилоят мусиқали драма театрига асос солинган ва у кўп йиллар элга хизмат кўрсатиб келди. Ана шу театрда ишлаган атоқли санъаткорлар Абдуллажон Охунов, Отавали Нуриддиновнинг ўгитларидан баҳраманд бўлганман. Кейинроқ бу ерда мақомчилар дастаси фаол иш юритиб, мен унда созанда бўлиб ишлаганман. Бу дастага машҳур ҳофизимиз Очилхон Отахонов раҳбарлик қилардилар. Устоз санъаткорлардан олган сабоқларим ҳозирги кунда ҳам фаолиятимда асқотмоқда.

Ўшанда Янгийўлда бўладиган тўй-ҳашамлар юқорида номлари зикр этилган санъаткорларсиз ўтмасди.

Тўғри, ҳозиргидек овоз кучайтиргич аппаратлари ҳали удум бўлмаган эса-да, ҳофизларнинг жарангдор қўшиқлари янграганда, овозлари етти маҳаллага эшитиларди. Чунки, қўшиқ шинавандалари шовқин-сурон қилмай, ер тепинмай қўшиқ тинглаб, жимгина ўтиришарди. Ҳозирги кун қўшиқчилик санъатини ёзғиришдан узоқман. Сирасини айтганда, техника тараққиёти тез суръатлар билан ўсиб бораётгани, овоз кучайтиргичлар, компьютерлар, санъаткорни турли қиёфага киритувчи клиплар кўпайгани рост. Хуллас, бугунги ёш қўшиқчи санъаткорларимиз техника қудратига суяниб қолганлар. Мени кечирсинлар-у, жуда кўп ёш ҳофизларнинг қўлидан микрофон олиб қўйилса, овозлари ўзларидан нарига эшитилмай қолади.

Ёш қўшиқчилар, «эстрада юлдузлари» ашулачилигимизнинг анъанавий ижрочилик санъатидан анча олислаб кетаётганга ўхшайди. Фонограммалардан фойдаланиш яхшику-я, аммо, хонанданинг табиий овозига путур етмасмикин?

Яна бир муаммо. Атоқли санъаткорларимиз ўз вақтида қойилмақом қилиб ижро этган мумтоз қўшиқларимизни ёш «юлдуз»ларимиз эстрада йўлига солиб, алмоиалжои куйларга ўраб, айтганларида ўзимни қўярга жой тополмай, қийналиб кетаман. Чунки, улуғ санъаткорларимиз яратиб, тамал тошини қўйган мумтоз қўшиқларимизни бузиб айтишларига ҳар қандай бепарво шинаванда ҳам қарши бўлса керак. Майли, эстрада жанридаги санъат ўз йўлида ривожланаверсин, қарши эмасман. Эстрада санъатининг ҳам ўзига хос устоз санъаткорлари бор-ку.

Мумтоз қўшиқларимиз эса чиройли тарихий обидага ўхшайди. Уни бузиб айтиш, унга бирон-бир ўзгартириш киритишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Ҳарқалай, мумтоз қўшиқларни эстрада йўлига солиб айтиш чиройли, бежирим бинони бузиш билан баробардек туюлади менга. Халқимизда «Меъёр — энг улуғ меъмор» деган нақл ҳам борку. Ота-боболаримиз яратган мумтоз қўшиқлар дутор, ғижжак, чанг, қўшнай, рубоб ва танбур сингари нодир чолғу асбобларимиз жўрлигида айтилса, нимаси ёмон?

Кўнглимда туғилган иштиҳоҳни яширмай-оширмай, тўкиб солар эканман, миллий қўшиқчилигимиз, қадриятларимиз, миллий ўзлигимиз йўқолиб кетмасин, деган андишага бордим, холос.

Сайиджон КАБИРОВ,
Янгийўл шаҳар 11-болалар мусиқа мактабининг олий тоифали муаллими.



«Ўзбекфильм» киностудияси томонидан яна бир кинофильм яратилди. Комедия жанридаги «Бир куни Афанди» фильми таниқли режиссёр Шуҳрат Аббосов томонидан тасвирга олинди. Сценарийси Эркин Хушвақтов қаламига мансуб. Бош ролларни «Ҳандалак» театрининг актёрлари Ортиқ Султонов (Афанди) ва Зокир Очилдиевлар (Бой) қойилмақом қилиб ижро этишди.

«БИР КУНИ АФАНДИ»

Фильмнинг асосий ғояси ҳаётда учрайдиган ижтимоий муаммоларни Афанди образи воситасида, кулги орқали енгиш, худбин одамларга нисбатан элда нафрат уйғотиб, халқимизни бундай иллатлардан огоҳ этишдир.

Шунингдек, таниқли актёрлардан Равшан Солиҳов, Мадина Мухторова ҳамда «Қаҳқаҳа» театр-студияси қизиқчилари ҳам фильмдаги турли ролларни ижро этишди.

Суратга олиш жараёнлари Бухоро, Самарқанд, Тошкент шаҳарларида ўтди.

Фильмни келгуси – йил январь ойида экранларга чиқариш мўлжалланмоқда.

Ўз мухбиримиз.
***СУРАТДА:** фильмдан лавҳа.*

Тошкент вилояти ҳокимининг 2005 йил 16 ноябрь кунидаги № 2/4-825-сонли ва Янгийўл тумани ҳокимининг 2005 йил 22 ноябрь кунидаги № 363-сонли қарорига асосан А. Ортиқов номли ширкат хўжалиги тугатилиб ва танлов-тендер асосида фермер хўжаликларига айлантирилади. Аризалар 2005 йил 30 ноябрдан бошлаб қабул қилинади.
Манзил: *Янгийўл тумани, А. Ортиқов Қ.Ф.Й, Самарқанд кўчаси. Телефон: 3-18-51.*

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-142. Адади 2678. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.

Ⓣ белгили материаллар – реклама материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 1 2 3 4 5